Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 21 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 38 (6934)

Da'vat

Тарбия ишида ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига катта ўрин берилмоғи лозим. Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.

Г. СПЕНСЕР.

Ibrat

Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги Ражаббой Эрназаров раҳбарлик қилаётган «Саддам» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Фирма зиё масканининг 30 нафар аълочи ўқувчисига ҳар ойда 100 сўмдан стипендия бера бошлади.

Qo'shiq bayrami

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Қўшиқлар... Шоир айтади: «Қўшиқдан бошланар дунёнинг боши». Бир қарашда жўнгина кўринган бу фалсафа замиридан «ҳақиқий рост» исмлик якто юрак мўралаб тургандек.

Қўшиқлар... Унинг яна ўзга бир мўъжизасини илғаганмисиз? Мана у мўъжиза... Дунё билан ўпкалашиб қолганингизда сизга биргина маслакдош — қўшиқ... Орзуларни, ишончни, муҳаббатни разиллик ютиб юборганда сизга биргина сирдош, ҳамдард қўшиқ...

Қўшиқда ранг бўлмайди, таъм бўлмайди. Унда нега қўшиқ гўзал, қўшиқ ширин? Нега уни қўмсайсиз? Бу саволга яна бир соддагина жавоб шундай бўлди...

Кеча баҳорнинг анвойи гулларига бурканган Ўзбекистон миллий боғининг тароватли ошёнида Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқ таълими Бош бошқармаси тасарруфидаги ўқув-тарбия муассасаларида ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» шаҳар кўрик-танлови ғолибларининг якунловчи концерт дастури намойиш этилди.

Воажаб, жажжигина болажонлар Ватан ҳақида, келажак ҳақида куйлаяпти, куйлай оляпти. Демак, бугун болаларимизнинг Ватан деб тили чиқаяпти. Ва яна санъат орқали болалар қалбига сизиб кираётган миллат, маънавий ва инсоний қадриятлар, бахт ва гўзалликка интилиш ҳис-туйғулари улар қўшиқларида бўйлаб турибди...

Мазкур кечада Республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вазир ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ва бошқалар иштирок этишди.

Дарҳақиқат, қўшиқ ҳақида, унинг бетакрор жозибаси ҳақида ҳали гурунгларимиз давом этади. Негаким бугун таълим тизимида ушбу «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Республика босқичи бошланади.

Алишер НАЗАР.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олимпия ҳаракатларини ривожлантириш ҳамда миллий спортни юксалтириш йўлидаги юксак даражадаги хизматлари учун Осиё Олимпия кенгашининг олтин медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Бахтиёр Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинланди ва шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинланди.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Т. Ғ. Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири вазифасидан озод этилди.

«Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизматини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

Бишкекда икки кун давом этган музокаралар якунида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда тожик мухолифчилари раҳбари Саид Абдулло Нурий ҳукуматга қарши кайфиятдаги партиялар фаолиятига қонуний тус беришга оид муҳим ҳужжатга имзо чекишди.

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов республикадаги қуролли гуруҳларни тарқатиб юбориш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Эрон 1979 йилги ислом инқилобидан сўнг илк бор Франциянинг нефть концернларидан бири билан йирик шартномага имзо чекди.

Ёз — ўтади соз

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини кўнгилдагидек ташкил қилиш учун ҳамма жойларда турли режа ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шу кунларда Тошкентдаги Мирзо Улуғбек, Сирғали ва Яккасарой туманларининг айрим мактабларида ҳам дам олиш масканларини ташкил этиш режалаштирилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани 241, 209, 210-мактабларда ташкил этиладиган оромгоҳларда июнь ва июль ойлари 350 нафар бола дам олади. Унда «Камоли-Шуҳрат» жамоа корхонаси болаларни озиқ-овқат билан таъминлайди. Шунингдек, Сирғали туманидаги 285, 277, 301-мактаблардаги оромгоҳларда 100 дан 600 нафаргача бола дам олади. «Келажак тонги» жамоа корхонаси эса уларнинг дам олишида ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

Mulohaza

ҚОНУНИЯТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНСА...

Мустақиллик туфайли маънавият тушунчасининг моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти кашф этилди. Миллий мустақиллик ва маънавиятнинг бир-бири билан боғлиқлиги ижтимоий тараққиёт қонуни эканлиги тажрибада исботланмоқда.

Зеро, бизнинг асримиз маънавиятнинг ишлаб чиқариш кучига айланганлиги билан характерланади. «Маънавият йўқ жойда тараққиёт бўлмас»лиги (И. А. Каримов) мутлақ ҳақиқатдир. Шунинг учун, қисқа даврда истиқлол ва маънавият, тараққиёт ва маърифатнинг назарий-фалсафий асослари яратилди. «Мулоқот», «Тафаккур», «Халқ таълими», «Фан ва турмуш» журналлари ва қатор газеталарда маънавиятнинг назарий асослари, воситалари ҳақида қатор мақолалар чоп этилди. Ўқув қўлланмаларининг дастлабки намуналари нашрдан чиқди. Булар ўтган беш йилдан ортиқроқ вақт ичида халқимизнинг маънавий мустақиллигига замин яратилганидан, маърифат хазинаси бунёд бўлганидан далолат беради.

Аммо мамлакатимизда инсонпарвар демократик жамият қуришнинг маънавий омили — комил инсонни шакллантиришнинг яхлит амалий педагогик асослари ва ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг маънавий маданиятини таркиб топтириш, маърифат ишларининг самарадорлигини ошириш усуллари, шакллари, воситалари тизими яратилмаган.

Бундай мураккаб ва серқирра фаолиятда изчиликка эришилганича йўқ. Шоирбозлик, тадбирбозликлар ва бюрократик педагогика изидан бораётганга ўхшаймиз. Ваҳоланки, маънавият ва маърифат ишлари тарбия қонуниятларига риоя қилинсагина самарали бўлиши мумкин.

Бу ўринда тарбия қонуниятлари тушунчасини қўллаганимиз бироз ғайри одатий туюлиши мумкин. Чунки узоқ вақт қўлланма бўлган бюрократик педагогикада тарбия қонуниятлари ҳақида деярли тадқиқот ҳам, йўлланма ҳам йўқ эди. Тарбия қонуниятларига риоя қилинмаганлиги учун маънавият инқирозга учради. Маданиятлар тушунчасини қўллаганимиз ва маданиятлар ўзаро боғлиқлиги, давр талабига, истиқлол мафкурасига мослиги; маънавий тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш бирлиги; маънавият ва маърифат ишларининг шахс ривожланиши, тарбияланганлик даражаси билан боғлиқлиги; маънавият ва маърифатда барча инсоншунослик фанларининг натижаларига таяниш кабилар.

Буларни мутахассислар педагогик қонуниятлар-ку дейиши мумкин. Ҳа, умумпедагогик қонуниятлардан келиб чиқадиган маънавият тарбияси ва маърифатнинг хусусий қонуниятлари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ёритдик. Зеро, умумпедагогик қонуниятларга асосланибгина маънавият-маърифат ишларининг методикасини яратиш мумкин. Чунки шахснинг шаклланиши билан тарбияси ўртасидаги қонуниятларни ўрганиш педагогик тараққиётлар ва ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг маънавий маданиятини таркиб топтириш, маърифат ишларининг самарадорлигини ошириш усуллари, шакллари, воситалари тизими яратилмаганлигидадир.

Уруғ экиш учун ернинг шарт-шароити, оби-тобини ҳисобга олмай илож йўқ. Акс ҳолда экилган уруғ ҳам, ер ва деҳқоннинг меҳнати ҳам зое кетади. Маънавият уруғини кишилар онгига экиш, маърифат самарадорлигини ошириш учун ҳам таълим-тарбия жараёнининг умумий қонуниятларига доҳлик маънавиятнинг қадр-қимматини, тарбиячи, зиёлининг улуғвор меҳнати обрусини йўқотди.

Бугунги кунда бой маънавий хазинамиз мавжуд бўлгани, маънавиятнинг ишлаб чиқариш кучи сифатида ҳаётий зарурати ортаётгани, Президентимиз бошчилигида маънавият ва маърифатнинг устувор соҳага айлантирилганига қарамасдан натижанинг паст даражадалигини қандай изоҳлаш мумкин? Уз-ўзидан маълумки, асосий сабаб маънавият-маърифат ишлари услубий таъминланмаганлигидадир.

Уруғ экиш учун ернинг шарт-шароити, оби-тобини ҳисобга олмай илож йўқ. Акс ҳолда экилган уруғ ҳам, ер ва деҳқоннинг меҳнати ҳам зое кетади. Маънавият уруғини кишилар онгига экиш, маърифат самарадорлигини ошириш учун ҳам таълим-тарбия жараёнининг умумий қонуниятларига амал қилиниши шарт.

Аввало қонуниятнинг ўзи нима ва қандай тарбия қонуниятлари мавжудлиги ҳақида мулоҳаза қилсак. Фалсафа луғатларида: «Қонуният воқелик ва жараён ўртасидаги мавжуд, қарор топган, такрорланиб турувчи зарурий ва муҳим алоқадир», — деб кўрсатилади. Тарбия шахсни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш мақсадида маънавий ва жисмоний шакллантириш жараёни бўлиб, умумий ва ҳар бир гуруҳни камол топтириш учун хос қонуниятларга эга.

Маънавий тарбиянинг амалда синалган қуйидаги қонуниятларини кўрсатиш мумкин:

— маънавият ва маърифат ишларининг бир бутунлиги, бир-бири билан боғлиқлиги; маънавий тарбия ва маърифатнинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва методларининг ўзаро боғлиқлиги, давр талабига, истиқлол мафкурасига мослиги; маънавий тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш бирлиги; маънавият ва маърифат ишларининг шахс ривожланиши, тарбияланганлик даражаси билан боғлиқлиги; маънавият ва маърифатда барча инсоншунослик фанларининг натижаларига таяниш кабилар.

Буларни мутахассислар педагогик қонуниятлар-ку дейиши мумкин. Ҳа, умумпедагогик қонуниятлардан келиб чиқадиган маънавият тарбияси ва маърифатнинг хусусий қонуниятлари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни ёритдик. Зеро, умумпедагогик қонуниятларга асосланибгина маънавият-маърифат ишларининг методикасини яратиш мумкин. Чунки шахснинг шаклланиши билан тарбияси ўртасидаги қонуниятларни ўрганиш педагогик-

(Давоми 3-бетда).

АНДИЖОНДА АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Ҳар йили баҳор ойининг энг сўлим пайтида ижодкор ўқитувчиларнинг республика анжуманини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Галдаги анжуман эса 14—16 май кунлари Андижон вилоятида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Анжуман ишида бир гуруҳ таниқли адиблар ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ижодкор муаллимлар иштирок этишди. Унда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли «Дилкушод» ўқитувчилар дам олиш уйида — тоғ бағрида бўлиб ўтган мушоиралар, вилоятнинг 14 та туманида бўлиб ўтган ижодий учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Анжуман тўғрисида батафсил маълумотни газетамизнинг келгуси сонида ўқишингиз мумкин.

«МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...» 2-бет.

БИЛИМ ЮРТИ ҚАЧОН ТАШКИЛ ТОПГАН? 3-бет.

МАШИНА ФИКРЛАЙ ОЛАДИМИ? 4-бет.

O'zbekiston — Koreya

СЕУЛЛИКЛАР ЮРТИМИЗДА

Сеул — Корея Республикасидаги шаҳар. Бу шаҳар ҳақида ўзбекистонликлар анча-мунча билишади. Сеул шаҳридан таълим департаменти аъзоларининг юртимизга қадам ранжида этиши ҳам эзгу мақсад билан йўғрилган эди. Улар бундан икки йил муқаддам Ўзбекистонга ташриф буюриб, таълим тўғрисида биз билан ҳамкорлик қилиш юзасидан қабул қилинган шартномани имзолаган эдилар.

Ўтган ҳафта Сеул шаҳар таълим департаментининг бир гуруҳ аъзолари юртимизда меҳмон бўлишди. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида бўлган қабул маросимида улар ўз режалари билан ўртоқлашдилар. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев сеулликлар олдида сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Ҳозирги вақтда Тошкентда корейс тили ва маданиятини ўрганаётган 40 та мактаб мавжуд. Уларда 55 нафар ўқитувчи, 5 хореограф фаолият кўрсатаяпти. 2417 нафар ўқувчи корейс тилини ўрганмоқда. Бундан ташқари, Корея Республикаси таълим маркази ҳам очиб қўйилган. Бу ерда корейс халқи маданияти кунлари, танловлар, илмий-методик йиғилишлар ўтказилаяпти.

Сеул шаҳар таълим департаменти бошлиғи Ю Ин Дён ҳам қабул маросимида сўз олиб, Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб кишиларга кўрсатилаётган эътибор ва мурувватлар учун миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон ва Корея давлатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги яқин ўтмишга бориб тақалса-да, бундан ёрқин келажак умид қилиш мумкин. Томонларнинг бундан икки йил аввалги қабул қилинган шартномасига мувофиқ, ўзаро манфаатлар асосида ўқувчиларни, ўқитувчиларни ва таълим идоралари ходимларини алмаштириш қўллаб-қувватланади. Таълим соҳасида ўз тасарруфида бўлган ўқув муассасалари ўртасида ҳамкорлик фаоллашади. Ўқитиш услуби ва таълим соҳасида режалаштириш, бунга доир манба ва ахборотлар билан эркин равишда фикр алмашиш ҳам кўзда тутилади.

Галдаги учрашувда Сеул шаҳар таълим департаменти ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ўртасида имзоланган ўша шартнома тағин ҳам чуқурлаштирилди. Сеулликлар асосий мақсад билан чегараланмай, бир неча таълим даргоҳларида бўлишди. Айниқса, улар пойтахтимизнинг Бектемир туманига қарашли 290-мактаб ҳаётига кўпроқ қизиқишди. Бу таълим даргоҳида корейс миллатига мансуб ўқувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Мактабдаги шароит уларни қониктирди, дейиш мумкин. Шунингдек, департамент аъзолари Мирзо Улуғбек туманидаги 212, Юнусобод туманидаги 260-ўрта мактабларда бўлишиб, таълим-тарбия соҳасидаги янгилик ва ўзгаришлар билан танишдилар.

Сеулликларнинг Узбекистонга ташрифи Самарқанд шаҳрида ҳам давом этди. Кўҳна ва навқирон шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, илм-маърифат нури барқ уриб турган таълим масканлари ҳаёти билан танишган меҳмонлар куни кеча Тошкентга қайтиб келиб, ўз юртларига жўнаб кетишди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Taklif

ЎҚИТУВЧИ ГУВОҲНОМАСИ БЎЛАДИМИ?

Ҳаётимизда рўй берадиган ҳар бир воқеа-ҳодиса ўз ифодасини маълум ҳужжатларда акс эттиради. Инсоннинг туғилиши, мактабга бориши, ҳунар эгаллаши, олий маълумот олиши, оила қуриши каби ҳодисалар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, аттестат, диплом, оила қурганлик тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланади. Бу, албатта, замонамизга хос ижобий ҳолат. Қайси идора, корхонага ишга жойлашманг, шу корхонанинг хизматчиси эканлигингизни тасдиқловчи гувоҳнома оласиз. Ҳатто бозорда савдо қилувчи тижоратчилар ҳам ўз гувоҳномасига эга.

Афсуски, нимагадир ўқитувчи шахсини ва касбини тасдиқловчи ҳужжат ҳанузгача жорий қилинмади. Бирор эҳтиёж туғилса, ҳар гал мактаб директори ва котибани овора қилиб, маълумотнома ёздиришга мажбур бўламиз. Агар ўқитувчилар ҳам ҳар қандай хизматчи ёки талаба сингари ўз гувоҳномасига эга бўлганида эди, бундай оворагарчилик бўлмасди. Ҳозирги бозор иқтисоди даврида ўқитувчиларга яратилган катта имтиёзлардан бири — бепул йўл чипталарини ҳам ҳар ойда янги-янгидан тарқатиш эҳтиёжи йўқоларди... «Ўқитувчи гувоҳномаси»ни йўл назоратчисига кўрсатсангиз кифоя. Албатта, бу гувоҳномада унинг риоя қилиш муддати кўрсатилиши шарт, ҳар ярим йилликдами, бир йилдами янгитдан рўйхатдан ўтказиб, муҳр билан тасдиқлаб туриш лозим.

Мустақил давлатимизнинг ривожланиши ва равнақига баҳоли-қудрат хизмат қилаётган ўқитувчилар ўз гувоҳномасига эга бўладиган вақт етмадимикан? Сиз нима дейсиз, азиз ҳамкасблар!

Сайёра СОДИҚОВА, Тошкент шаҳридаги 308-мактаб ўқитувчиси.

ХАБАРЛАРИ — МММ

ОҚ ОЛТИНДА «ОЛТИН» ҚЎШИҚЛАР

Куй, қўшиқ. Инсонлар ҳаётига мазмун бахш этувчи, унинг эзгу ниятларига қанот ато этувчи сеҳрли кучдир.

Юртимизда ўтказилаётган қўшиқлар танлови ҳам халқимизнинг Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат ва севги — вафо каби қадриятларини жонлантираяпти.

Ана шундай кўрик-танловлардан бири Оқ олтин туманида ўтказилди.

«Қўшиғимда дил қувончи» номли ушбу танловда 3 та жамоа ҳўжалиги ва 17 нафар яккахон ижрочилар иштирок этишди. Узининг ёқимли овози ва маҳоратини намойиш этган Аҳмаджон Мирсагатов биринчи ўринни олишга мушарраф бўлди. Иккинчи ўрин эса Фотима Қурбонова ва туман мусиқа мактабининг хор жамоаларига насиб этди.

Ф. ЖУМАЕВА.

САРБОН ШУНДАЙ ЙЎЛ БОШЛАДИ

Шовот туманига яқинда ҳоким қилиб тайинланган Бахтиёр Ражабов ўз иш фаолиятини энг аввало мактабларга эътибордан бошлади. Ҳар бир мактабга пахта экиш учун 2—5 гектар, шоли экиш учун 1—3 гектар ер ажратиб бериш ҳақида чиқарилган қарор ана шундан далолат бериб турибди. Тағин, барча жамоа ҳўжаликлари раисларини мактабларни таъмирлашда масъул шахс сифатида белгилаб қўйганини айтмайсизми?

Маърифатпарвар ҳокимнинг ибрати шовотлик маорифчиларнинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ДИЛБАРХОННИНГ ЮТУҒИ

«Ўқитувчи — 97» кўрик-танлови яқинда Булоқбоши туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда Абу Али ибн Сино номли 1-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилбархон Тожибоева ўзининг чуқур билими билан барчани қойил қолдириб биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 25-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Иброҳимжон Анорбоевга, учинчи ўрин эса 17-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Майя Очиловага насиб этди.

Д. АҲМАДАЛИЕВ.

КУТУБХОНА—МАКТАБ ҚЎЗГУСИ

деб номланган семинар-кенгаш Бешариқ туманидаги 25-ўрта мактабда ўтказилди. Унда тумандаги барча мактабларнинг кутубхоначилари иштирок этишди.

Семинарда кутубхона фаолияти, дарсликларнинг аҳволи ва кутубхоналарни ўқувчиларнинг севимли илм масканига айлантириш хусусида гап борди.

Ушбу мактаб кутубхоначиси Т. Камолованинг бу борадаги олиб бораётган ишлари юқори баҳоланди.

Р. БОЙМАТОВ.

Ижтимоий ҳимоя — ғамхўрлик мезони

Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдаги кўчма раёсат ва Пленум йиғилиши Наманган шаҳрида бўлиб ўтди.

Пленум қатнашчилари Наманган шаҳрининг қадимий ёдгорликлари, маданий-маърифий марказлари фаолияти билан танишиб, Наманган вилоятидаги ўқув юртлари, мактабдан ташқари ўқув муассасаларида педагог ходимлар, ўқувчи ва талабаларга «Инсон манфаатлари йили»да кўрсатилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида касаба уюшмаси қўмиталари, ўқув юртлари раҳбариятлари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси аъзоларида Норин туманидаги 10-болалар боғча-мактаб гимназияси, Наманган туманидаги Шароф Рашидов номидаги 13-ҳунар техника мактабида ҳамда педагогика билим юртларида ходимларни, талаба ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ишлар катта таассурот қолдирди.

Жумладан, 10-болалар боғча-мактаб гимназиясида (мудира Санобархон Азимова, касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Жўрахон Умарова) кичик корхона ташкил этилган. Бу корхонада тўртта бўлим бўлиб, улар тикувчилик, тегирмон, новвойхона ва сомсахонадан иборатдир. Бундан кўзланган мақсад тарбияланувчи ва ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, иш ҳақи оз бўлганларни қўшимча маблағлар билан таъминлаш, шароити оғир, боқувчисидан ажралганлар учун моддий ёрдам кўрсатишдир.

Ушбу боғча-мактаб гимназияси қошидаги кичик корхона ўтган йили 400 минг сум соф фойда олиб, ундан 150 минг сўмини кам даромадли ходимларга ёрдам тариқасида, болаларга овқат пулини бепул ташкил этиш, бинони таъмирлаш ва бошқа жиҳозларни харид қилиш учун сарфлаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тадбиркорликни ривожлантиришда, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишда, уларни ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий томондан ҳимоялашга йўналтириш борасида Наманган педагогика билим юрти (директори Ҳ. Ахмедова)да амалга оширилаётган ишлар ҳам Марказий қўмита аъзоларида катта таассурот қолдирди. Жумладан, билим юртида кўп тармоқли «Ниҳол» фирмаси ташкил қилинган. Унда тикувчилик, телевизор тузатиш устахонаси, этикдўзлик, қандолатчилик, булка нон пишириш ва бошқа маиший хизмат нуқталари мавжуд. Ана шу фирмада фаолият кўрсатувчилар саъй-ҳаракатлари билан ўтган йили 330,4 минг сум даромад олишга эришилди. Унинг 191 минг сўми талаба ва ўқувчиларни рағбатлантиришга сарф этилди. Ўқитувчи ва техник ходимларнинг 68 нафари жамоат транспортидан фойдаланишлари учун 48 минг сум харажат қилинди. Билим юртида таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандига овқат бепул берилмоқда.

Билим юрти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда ўқитувчиларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан имкон даражасида таъминлаб келмоқда. Яқин вақт ичида уларга 1 тонна пахта ёғи, 1250 килограмм ун, гўшт маҳсулотлари тарқатилди.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш долзарб масала эканлиги, бу борада бюджетдан ташқари, тадбиркорлик йўли билан маблағ ишлаб топишда, кичик корхоналар ишларини янада ривожлантиришда Наманган вилоятида амалга оширилаётган ишлар Марказий қўмита Пленуми иштирокчиларини бу борада бор ички имкониятларини ишга солишга, улардан унумли фойдаланишга ундади.

Касаба уюшмаси Марказий қўмитаси аъзолари ўзлари яшаб турган ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида касаба уюшмаси қўмиталарининг фаолиятлари билан ўзаро ўртоқлашиб фикр алмашдилар.

Эртаси куни Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашининг кичик мажлислар залида Марказий қўмитанинг навбатдаги XIII раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор Узбекистон Республикаси Қонунлари, Узбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитаси қарорларининг амалга оширилишини ўрганувчи Гуруҳлар» фаолиятига раҳбарлик қилишда Наманган вилояти касаба уюшмаси қўмитасининг тутган ўрни тўғрисида»ги, Сурхондарё вилояти касаба уюшмаси қўмиталарида кадрлар билан ишлаш, касаба уюшмаси қўмиталарининг ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ва бир қатор бошқа ижтимоий, долзарб масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг катта мажлислар залида касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг навбатдаги III Пленуми ўз ишини бошлади. Марказий Қўмитанинг III Пленумини Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдуғаниев очди.

Пленум йиғилиши касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг таъсис съездидан сўнг ўтган давр ичида тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини ва Тармоқ касаба уюшмаси Устав талаблари асосида бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилиш борасида олиб борган ишлари тўғрисидаги, тармоқ ташкилоти тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги масалаларни муҳокама этди.

Пленум қатнашчилари Марказий қўмита ва унинг бўлинмалари томонидан ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга меҳнат, ўқиш шароитларини яратиш ҳамда иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа рағбатлантирувчи ҳақларни ўз вақтида олишда бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда талайгина фойдаланилмаган ички имкониятлар борлигини, маҳаллий ҳокимиятлар билан ишлаш борасида касаба уюшмаси қўмиталарининг сўсткашликларга йўл қўяётганликлари тўғрисида, олий ўқув юртлари ректоратлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш тўғрисида маърузалар билан чиқдилар.

Пленумда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар асосида касаба уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг мавқеини юксалтиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг III Пленуми ишида Наманган вилояти хокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Маликахон Рустамова, Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти, академик Абдували Абдуваҳобов, Қозоғистон республикаси Фанлар Академияси Марказий қўмитасининг раиси Е. Кулбоев, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги бошқармаси бошлиғи Уринбой Йўлдошев ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Абдулҳамид Ҳабибуллаевлар иштирок этдилар.

Пленум якунида Наманган вилояти ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Маликахон Рустамова сўзга чиқди, жумладан, тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма раёсат ва пленум йиғилишлари айнан жойларга бориб ўтказилиши касаба уюшмаси аъзоларининг жойларда фаолликларини кучайтиришга қаратилганлигини тилга олиб ўтди.

Режалаштирилган тадбирга кўра, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси аъзолари гуруҳларга бўлиниб, Наманган вилоятининг Давлатобод, Косонсой, Чуст, Учқўрғон, Уйчи ҳамда Тўрақўрғон туманлари касаба уюшмаси ташкилотлари иш фаолиятлари билан танишдилар.

Равшан АЗИМОВ,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими бошлиғи.

Қўшиқ янграяпти:

Шоҳимардон тоғларини кездим, болажон,
Зилол-зилол сувларидан ичдим, болажон.

Қўшиқчи халқимизнинг энг сўлим, гўзал оромгоҳларидан бири, табиати билан барчани ўзига мафтун этувчи Шоҳимардон ҳақида куйлаяпти. Ундаги азим тоғларнинг виқорли гўшаси кишини ўзига тез мафтун этади. Ана шу оппоқ қор билан қопланган тоғларнинг кўксидан эриб оққан жилғалар, бир-бирларини қувалаб, Шоҳимардон сойига айланади. Шу зилол сувлар халқимизнинг мумтоз шоири Муқимийнинг қадамжолари бўйлаб оқади. Унинг йўли эса гўзал Водилдан ўтади. Сой бу қишлоқда янада шарқираб, кишининг ҳавасини келтириб, мавжланиб-нозланиб оқади:

Водил ҳавоси дилфузо,
Сувлари оби-равон,

Мана, тоғлар этагида жойлашган бу ажиб қишлоқда тонг отаётибди. Қуёш қизил шафақлар узра ўз нурини соча бошлайди. Ҳа, Водил уйғонаётир. Жўшқин ҳаёт яна бошланмоқчи. Кимдир ишга, бошқа биров бирон юмуш билан қаергадир шошилади.

Болалар эса севимли мактабларига ошиқадилар. Эл қатори Исмоил ака Улуғов ҳам ҳар кунгидек ўзининг қадрдон мактабига шошиляптилар. У киши ўттиз бир йилдан буён муаллимлик касбини ардоқлаб келаётган зиёлиларимиздан.

Исмоил ака 1965 йили ҳозирги Тошкент давлат жаҳон тиллари дорилфунунининг француз тили куллиётини муваффақиятли тамомлаб, Фарғона туманидаги Муқимий номли 3-ўрта мактабда фаолият бошладилар. У даврда хорижий тиллар мутахассислари ҳадеганда топилавермас, айрим қўшни мактабларда ўқитувчи етишмас эди. Ёш муаллимга елиб-югуриб, бир неча мактабда ишлашга тўғри келган ўшанда. Айни шижоати жўш урган, ишлаб чарчамайдиган бир даври эди.

ТОЛМАС УСТОД

3-ўрта мактаб биноси жуда қадим. Бир пайтлар у ер чор Россияси амалдорларининг идораси бўлган. Шунинг учун ҳам халқ уни «Ўрда»деб атаб келади. Бу тумандаги илк мактаблардан бири. Шунинг учун бу билим масканининг ўзига хос анъаналари бор. Ҳозирда мактаб бир-бирига туташ бўлган янги замонавий уч бинога эга. Исмоил ака ана шу анъаналарни ҳурматлаб, унга кўп янги анъаналар қўшиб келаётган устозлардан. У кишининг намунали бир фазилатларларини ҳамма биладики, бу муаллим ҳеч бир ўқувчини «сен»ламайди. Ахир, «сен» чиққан оғиздан «сиз» ҳам чиқади-ку.

Водил тумани мактаблари чет тиллари муаллимлари орасида биринчилардан бўлиб дарсда француз тилидаги пластинкалардан фойдаланиш ташаббуси ҳам Исмоил Улуғовдан чиққан. Кейинчалик бу усул ҳам уни қониқтирмади. Чунки замон янгиланиб бораверади-да. Тиниб-тинчимас устоз туман халқ таълими бўлими билан келишиб, мактабга лингафон дастурини ўрнатишга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқа олди. Мактаб энди туманда барча хорижий тиллар ўқитувчилари учун малака олса бўлгудек кичик бир масканга айланди.

Исмоил ака — эринмаган мураббий. Ахир, ҳамма ҳам ўзлаштиролмаётган ўқувчиларни олиб қолиб, қўшимча машғулотлар ташкил қилавермайди. Ёки тасаввуримизда фақат ўзбек тили ва адабиёти муаллимларигина адабий кечалар уюштириши керак. Ҳолбуки, француз тилини яхши ўрганиш учун, албатта, шу халқ сўз санъатидан бохабарликнинг ҳам айрича ўрни бор. Шунинг учун мактаб француз тили хонасидан Франция ҳаётига доир турли китоблар, француз ёзувчилари асарлари, француз тилида гаплашувчи мамлакатлар харитаси, қадим Парижнинг тарихий обидалари ва Сена дарёси манзараларини акс эттирувчи суратлар жой олган.

Бундай ўқитувчи ҳамкасбларининг туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган йиғинларида ҳам фаол бўлади. У кишига «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвони ҳам бекорга берилган эмас.

Яна бир гап. Муаллимлик каби «инжиқ» касб эгаси бўлган кишини, аввало, оиласи тўғри тушуниши керак. Исмоил аканинг бахти шундаки, турмуш ўртоғи — Манзура ая ҳам муаллима.

Устод бундан йигирма-ўттиз йил муқаддам ҳам чет тилини билишнинг келажак учун аҳамияти улкан эканини жон куйдириб таъкидлар эдилар. Бугун Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиб, дунёга юз очган бир маҳалда домламиз қанчалар ҳақ эканликларини тушуниб қолдик.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устод!

Илҳом РАҲМОНОВ.

Тарбиянинг яна бир йўли

1997 yil — Inson manfaatlari yili

«МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...»

Узбек халқи учун етимхона деган сўз асримиз бошига қадар бегона бўлган. Тўғри, ўтган даврларда ҳам етимлар бўлган. Бироқ ё отасидан, ё онасидан жудо бўлган гўдакларни шароитга қараб, албатта, бирор-бир яқин кишиси ўз ҳимоясига олган. Болалар кўча-кўйда қароҳсиз қолишмаган.

Узбекистонда болалар уйлари асосан 20-йилларда пайдо бўла бошлади. Очарчилик авж олган Поволжьедан 100 нафарга яқин бола республикамизга келтирилади. Ва шу билан луғатимизга «болалар уйи» деган жумла кириб келди.

Кимларнингдир гуноҳи эвазига айбсиз айбдор бўлиб дунёга келган норасидалар... Аслида бу ерда ишлаш учун оналик тафтининг жилла қурса бир қатимига эга бўлиш керак. Меҳрибонлик уйларида ҳар қандай киши ҳам ишлаб кетолмайди. Бунинг учун бир чимдим ортиқ меҳр-мурувватсабр-бардош керак.

Кейинги йилларда халқ таълими тизимидаги болалар уйлари анча-мунча қисқариб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб 30 та меҳрибонлик уйида 4675 нафар бола тарбияланмоқда. Менинг наздимда бу ҳали кўп. Минг афсуски, уларнинг кўпчилиги енгил-елпи ҳаёт кечираётган, ичкиликка муккасидан кетган оилаларнинг фарзандларидир.

Республика Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, Республика Таълим маркази ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамкорликда меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари раҳбарларининг «Оилавий муҳитдан маҳрум бўлган болалар таълим-тарбиясини ташкил қилиш» мавзуида илмий-амалий семинарини ўтказди. Унда мамлакатимиздаги барча вилоятлардан келган меҳрибонлик уйлари директорлари иштирок этдилар.

Анжуманда Узбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997. йили амалга ошириладиган ишлар буйича давлат дастурига биноан меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида»ги маърузасида ота-онасининг раҳнамолигисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фарзандликка бериш, васий, ҳомий тайинлаш масалалари ҳақида сўз юритди. Тадбирдан кейин семинар қатнашчиларига бу долзарб масалани ижобий ҳал этишда ўзларининг алоҳида фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари учун керакли қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари улар икки кун давомида ўз билим ва педагогик маҳоратларини аниқлаш буйича тест синовларидан ўтишди. Алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда Тошкент шаҳридаги 30, 103-махсус интернатлар педагоглари ҳамкорлигидаги илғор тажрибалар билан танишдилар.

Биз семинар иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Баҳриддин РАВШАНОВ,
Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйи директори:

— Мен семинар-кенгаш кўнгилдагидек ўтди, деб бемалол айта оламан. Маърузалар, очиқ дарслар қизиқарлилиги ва мазмундорлиги билан барчада яхши таассурот қолдирди. Муҳими, бизга бу анжуман кўп нарса берди. Таклифим, шу сингари семинар-кенгашлар тез-тез ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Галина МУСИНА,
Андижон шаҳридаги меҳрибонлик уйи директори:

— Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд шаҳар, туман ХТБ, мактаблар, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари муассасалар, махсус ва меҳрибонлик уйлари ўз-ўзини маблағ билан таъминлашлари лозим. Шу маънода бугун ўтказилган семинар-кенгаш бизга жаҳон педагогикасининг янги қирраларини очиб беришга кўмаклашади.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

233 ЙИЛЛИК ҚАДРДОН

1764 йили Гарвард университети кутубхонасидан олинган «Британиянинг тўлиқ тарихи» номли ноёб китоб қарийб 233 йилдан сўнг кутубхонага қайтарилди. 1764 йилги ёнғиндан 400 та қўлёзма омон қолган, бироқ китобхон, ё атай, ё билмаган ҳолда китобни қайтаришни унутган. Ноёб қўлёзма асарлар бўлимининг мудири Рожер Стеддарднинг айтишича, у ниҳоятда мамнунлигидан ўзини таништиришни истамаган инсофли китобхоннинг кимлигини суриштириб ҳам ўтирмаган.

НУСХА КЎЧИРМАНГ

Хитой ФАси махсус қарор билан мамлакатда одамни вегетатив йўл билан кўпайтириш ёки «нусха кўчириш» тажрибаларини тақиқлади. Хитой ФАси вице-президенти Сюй Чжун нусха кўчиришни «инсоний қадриятларга қарши зарба» деб баҳолади ҳамда ўсимлик ёки ҳайвонлар устида ҳам бундай тажрибалар ўтказишга чек қўйишга даъват этди.

24 СОАТДА 174 КИЛОМЕТР

Австралиялик 22 яшар спортчи қиз Сьюзи Марони биринчи бўлиб Флорида бўғозини сузиб ўтди. У Гаванадан АҚШнинг Ки-УЭСТ шаҳригача бўлган 174 километр масофани 24 соатда сузиб ўтди. Акулалардан ҳимоя қилувчи махсус қафасда неча-неча қарши тўлқинларни енгиб ўтиб толиққан спортчи манзилга етиши биланоқ шифокорлар қўлига тушди. Эҳ, одамзот...

Газетамизнинг ўтган сонида ўқувчиларнинг мактаб кийимини Тошкент шаҳар мактабларида жорий этиш тўғрисидаги семинар ҳақида мухтасаргина мақола эълон қилинган эди. Сураткаш В. Криллов олган ушбу суратларда ўта нозик дид ва нафосат билан тикилган ўқув либосларидаги ўқувчиларни кўриб турибсиз. Уларнинг юзларида севинч порлаб турғандек гўё. Ҳа, дарҳақиқат ўқувчилар бир хил либосда ораста кийинишган бўлса қандай яхши! Бу уларнинг ўқишларига ҳам ижобий таъсир этади.

«САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ»

Соғлик — энг катта бойлик. Усиз инсоннинг тириклиги ҳеч нарсадир. Демак, кишиларни, хусусан, ёшларни саломатликни асрашга чорлаш ҳам муҳим даъват бўлиб қолмоқда.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида бу билан боғлиқ тадбирларнинг устма-устига ўтказилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу иш Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари томонидан муттасил равишда амалга оширилаяпти.

Яқинда туман миқёсида «Саломатликнинг ёш дўстлари» шиори остида санитария постларининг мусобақаси ўтказилди. Мазкур тадбирда туманнинг 36 та умумтаълим мактабидан 23 таси иштирок этиб, 8 босқичда ўз билим, тажриба ва маҳоратларини намойиш этдилар. Босқичларга оид 6 тадан деворий рўзномаларнинг кўргазмаси эса ушбу мусобақаларга яна ҳам бошқача мазмун олиб кирди.

Туман халқ таълими бўлими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари, ҳокимлик, «Камолот» жамғармаси, туман спорт қўмитаси вакиллари мусобақага хайрихоҳлик билдиришди. «Оникс» ҳиссадорлик жамияти, ОТиД» фирмаси, «Карина» хусусий жамоаси мусобақани ўтказишга ҳомийлик қилдилар.

Мусобақада 249-мактаб биринчи, 261-мактаб иккинчи, 234 ва 119-мактаблар учинчи ўринларни эгаллашди. Биринчи ўринга мушарраф бўлган 249-мактаб шаҳар мусобақасига йўл олди.

Мухбиримиз.

Kitoblar olamida

ТИЛ ИЛМИГА МУНОСИБ ҲИССА

Кишилик жамиятида инсонлар учун ягона алоқа қуроли бўлган тил ижтимоий ҳодиса сифатида жаҳондаги барча филологик олий ўқув юртларида ўрганилади. Бунинг сабаби, тилсиз ҳеч бир жамият, жамиятсиз тил ҳам бўлмаганлик сирларини билиш учун бу фан ўрганилади. «Тилшуносликка кириш» фанининг ўқитилишидан кўзланган мақсад, йирик тилшунос олим, профессор Отақўзи Азизов таъбири билан айтганда, «Тилнинг энг асосий ва энг муҳим вазифаси — алоқа воситаси эканлиги» учун ҳам уни ҳар бир бўлажак филолог ва журналистга сингдириб борилади.

Оллинлари ўзбек филологлари мазкур фанни ўрис тилида босилган рус тилшуносларининг асарлари ва қўлланмалари орқали ўрганишар эди. Кейинги пайтларда, аниқроғи 1963 йилда Отақўзи Азизовнинг фидойилиги туфайли бу мураккаб фан бўйича ўзбек тилида «Тилшуносликка кириш» (О. Азизов, Тилшуносликка кириш. Ўқитувчи», Г. 1996. 174 бет.) дарслиги чоп қилинди. Йиллар ўтди. Бу фан ҳам маълум даражада янги-янги тушунча ва қарашлар билан бойиб борди. Янги-янги мавзулар бўй кўрсатди. Айниқса, истиқлол туфайли жумҳуриятимизда ўқиш ва ўқитиш тизимида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ана шуларни назарда тутиб, тажрибали ва таниқли олим Отақўзи Азизов ўзининг мазкур номдаги дарслигини қайта ишлаб, уни тўлдириб ўзбек филолог талабалари, аспирантлари учун янги «Тилшуносликка кириш» дарслигини яратдики, бу асар лингвистика илмида долзарб муаммо ечимига бир калит бўлди.

Университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун мўлжаллаб ёзилган ушбу дарслик, моҳият жиҳатидан тил элементларини шарҳлаш борасида олдинги нашрлардаги талқинлардан фарқли улароқ, жаҳондаги барча тиллар фактларидан фойдаланишни анча меъёрлаш ҳисобига, муаллиф «Сўз боши»да кўрсатганидек, кўпроқ «... ўзбек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, ва бошқа туркий тилларда нашр этилган материалларга» эътибор қаратган.

Дарслик ўз тузилиши ва мавзулар шарҳига кўра 49 параграфни ўз ичига олади. «Тил ижтимоий ҳодисадир», «Тил ва тафаккур», «Тил тизимдир», «Тилшунослик соҳалари ва унинг тузилиши», «Фонетика», «Урғу», «Фонема», «Тил ва ёзув», «Табу, эвфемизм ва арго», «Термин ва терминология», «Сўзларнинг аниқ ва мавҳум маънолари», «Мустақил маъноли ва ёрдамчи сўзлар», «Ҳукм ва гап», «Тилларнинг синтетик ва аналитик усули», «Тилларнинг шаклланиши ва тараққий қилиши», «Тилнинг пайдо бўлиши» сингари параграфлар таҳлили ва тавсифи муаллиф томонидан атрофлича ва тушунарли қилиб ёзилган. Бу мавзуларни ўқиган талабанинг ўзигина эмас, айтиш жоиз бўлса, оддий китобхон ҳам тушуна оладиган даражада битилганлигига шоҳид бўлади. Аслини олганда ҳозирги талаб буйича ҳар бир дарслик ана шундай содда ва оддий услубда яратилиши ва бунда ўта долзарб мавзулар ҳамда муаммолар ўз ечимини топиши ҳар бир муаллифнинг ягона нияти бўлиши керак. Муаллиф бундай талабни тўла уддасидан чиққан.

Дарслик муаллифининг ютуқларидан яна бири шундаки, у китобни фақат назарий ва амалий жиҳатдан битмаган. Ундаги кўпчилик мавзулар таҳлилида талабалар учун ўрганиш ва билиш шарт бўлган ахлоқий қарашларга доир шарҳ ва мисоллар шу кунинг талаби даражасида мосланган. Китобнинг 75-саҳифасида «Табу, эвфемизм ва арго» мавзуси берилган. Унда муаллиф бу уч атаманинг мазмунини, келиб чиқиш илдизини бериш ва мисоллар келтириш биланоқ мақсадни ойдинлаштиради.

У ёзади: **«Табу** — полинезча — tabu — сўзидан олинган бўлиб, **ман қилиш, чеклаш** маъноларини билдиради». **«Эвфемизм** — юнонча **eu — яхши, p'emi — гапираман** сўзларидан ясалиб, яхши сўзлайман демакдир».

Қўринадики, ёшларни ахлоқлилик томон етаклаб, элди сўзи ўрнига силлиқроқ қилиб **вафот этди, қазо қилди, дунёдан ўтди, жонини эгасига топширди, кўзи юмилди** сингари, бўғоз хотин ўрнига ибо билан **иккиқат, оғир оёқ, бўйида бор, ҳомиладор** сингари табу — эвфемистик сўзлар ўз таҳлили билан берилган.

Гапнинг қисқаси, проф. О. Азизовнинг ушбу дарслиги ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки бутун туркологияда, айниқса, педагогика илмларига қўшилган катта ҳиссадир.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Тошкент шаҳар мактабларида жисмоний тарбия фанидан имтиҳон топшириш бошланиб кетди. Ўқувчилар спортнинг назарий ва 5 та амалий турлари бўйича имтиҳон топширадилар. Албатта, бу синовлар ўқувчиларни жисмоний тайёргарликка жиддий эътибор беришларига олиб келади. Тошкент шаҳридаги 102-мактабнинг ўқувчилари ҳам жисмоний тайёргарликларини ўз устозлари ҳузурида синамоқдалар. Ушбу жараённи сиз суратларда ҳам кўришингиз мумкин.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ҚОНУНИЯТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНСА...

(Боши 1-бетда).

ка фанининг предметидир.

Юқоридаги қайдлардан келиб чиқадиган маънавият-маърифат ишларининг мазмуни, методларига қўйиладиган тамойиллар ҳам мавжуд:

Истиқлол мафкурасига, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик ғояларига асосланганлик;

Маънавият тарбиясида миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлиги;

Маънавият-маърифатда изчиллик, узлуксизлик;

Маънавият тарбияси ва маърифатнинг ҳаёт билан, истиқлол билан, эришилган ютуқлар билан боғлиқлиги;

Маънавият ва маърифатга ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, иқтисодий, меҳнат, экологик маданиятни шакллантиришга яхлит ёндашиш кабилар.

Бу мураккаб ва серқирра жараённинг ўзига хос қоидалари, босқичлари мавжуд. Аввало, ижтимоий, миллий онгни шакллантириш, маънавий ҳис-туйғу, инсон ҳаётида маънавиятнинг тутган ўрни ҳақида тасаввур, тафаккурни таркиб топтириш; иккинчидан, маънавий-ахлоқий тушунчалар, эътиқод; учинчидан, маънавий хулқ-атвор, қўникма, маънавий ва маърифий маданиятни изчил шакллантириш тизимисиз кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Биз ҳам назарий масалалар билан чекланиб қолмасдан маънавият-маърифат ишларида тарбия қонуниятлари бўйича эришилган натижалар, тажрибалар ҳақида ўз кузатишларимиз ва мулоҳазаларни баҳам кўрмоқчимиз.

Маънавият ва маърифатнинг ўзаро боғлиқлигини қонуният дедик. Жамоатчилик томонидан маънавият ва маърифат долзарб ижтимоий муаммо сифатида қўйилишида ҳам барқарор уйғунликни кўриш мумкин. Маънавият жамият тараққиётининг омили ва шахс камолотининг мезони, моҳиятини англатганидек, маърифат тушунчаси ҳам икки долзарб масалани ўзида мужассамлантиради. Биринчидан, маънавият ва истиқлол мафкурасини оммага сингдириш том маънодаги тарғиботни англатса, иккинчидан, ҳар бир кишининг ўз билими, маънавий маданиятини ошириши, маърифатли бўлишидир. Тарғибот тушунчасини кейинги йилларда ҳам ишлатилиши табиий ҳол. Чунки бюрократик жамиятда ҳукмрон ғояни буяб, зўрлаб сингдиришда «тарғибот» ҳал қилувчи восита бўлгани аниқ. Бугунги кунда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тарғиб қилиниши маърифат ишининг асосий вазифасидир.

Инсонпарвар-демократик жамиятда ҳар бир киши ўз имкониятларини эркин намоён қилишга маърифат орқали эришади. Маънавий тарбияланган инсон маърифатли бўлади, маърифат туфайли маънавият янада бойийди.

Лекин маърифатнинг том маъноси ва вазифаси умумий гаплар соясида қолиб кетаяпти. Маърифатнинг самарадорлигини оширишда жамоатчилик таълим-тарбия муассасаларининг фаолияти ҳар бир шахснинг маърифатга интилишини эҳтиёж сифатида шакллантириш масаласи ўрганилмаган.

Утган олти йил мобайнида миллий таълим-тарбиянинг мазмунини яратиш бўйича анчагина ишлар қилинди. Бироқ, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасидаги айрим фанларнинг дастурлари давр талабига жавоб бермайди. Фақат айрим мавзулар ва ибораларгина ўзгартирилган, холос. Масалан, бир неча илмий-амалий анжуманлар, танловлар ўтказилганига қарамасдан она тилининг дастури ва дарсликлари ўзининг чуқур грамматикалашган тизимидан нарига ўта олмади. Фақат янги машқлар киритилиб дарсликлар нашр қилинаяпти.

Кузатишлар шуни кўрсатяпти, она тилидан ўрта маълумот ва ҳатто олий мутахассислик маълумотига эга бўлган киши ўз тилидаги кўпгина сўзларнинг маъносини билмайди. Ваҳоланки, XXI асрда кишилар ўртасидаги муносабат она тили ва бошқа тилларни билишнинг асосий мезони бўлиб қолади. Тўғри, грамматик қоидаларни ҳам билиш керак, аммо лексикология устуворлиги тил маданияти мақсадидан келиб чиқилса, она тили таълими олдига қўйилган вазифалар изчил бажарилган бўлар эди.

Истиқлол мафкурасига асосланган маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмунини ишлаб чиқиш борасида анча ишлар қилинди, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояси ўзининг ҳамаси ташкил этилди, унга шу соҳанинг билимдонлари ва фидойилари тайинланганини ўтган даврда қилинган ишлар кўламидан билса бўлади. Маълумки, маънавият, тарбия ишлари ўзига хос мавҳум хусусиятга эга. Агар аниқ дастур ва унинг натижасига асосан мувофиқлаштирувчи механизм бўлмаса кутилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлажак мутахассисларнинг умумий ва касб маданиятини шакллантириш бўйича тарбиявий ишларининг комплекс дастури» билан барча ўқув юртлари таъминланди. Дастурда бўлажак мутахассиснинг ақлий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, меҳнат ва касб тарбияси, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ҳар томонлама камол топтириш йўриқномаси белгиланган. Ижтимоий гуманитар таълим ва жисмоний тарбияга ўқув режаларида 25% соат ажратилган. Агар аудиториядан ташқари таълим-тарбия ишларини ҳам қўшса, тарозининг бир палласига бўлажак мутахассиснинг касб тайёргарлиги, иккинчи палласига унинг маънавий ташкилотчилик ва тарбиячилик даражаси қўйилгани тўғри мезондир.

Маънавият ва маърифат масалалари бўйича ректор ва директор ўринбосарларининг ваколатлари кенгайтирилди, уларга биринчи муовин мақоми берилди, моддий манфаатдорлиги оширилди. Ўқув юртларида маънавият-маърифат бўлимлари ташкил этилди. Булар давр талаби ва масъулият қўламидан келиб чиқиб одилона қилинган ишлар.

Бу мисолларни келтиришдан мақсад кимларнидир мақташ эмас, балки барча маънавият-маърифат ишлари билан шуғулланадиган ижтимоий институтларда, марказларда комил инсонни шакллантириш дастури ва уни амалга ошириш тизими яратилиши шарт. Тадбирларни кўз-кўз қилиш учун эмас, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг хусусиятидан, тарбияланганлик даражасидан келиб чиқиб, маънавият-маърифат ишлари мазмуни белгиланса, шу бўйича изчил иш олиб борилсагина биз инсонпарвар-демократик давлат қуришнинг истиқболини таъминлаган буламиз.

Юқорида маънавият ва маърифат ишларининг услубий таъминланиши кўнгилдагидек эмас, дедик. Комил инсонни шакллантириш жараёни, маънавий фазилатлар мазмунидан келиб чиқадиган ўзига хос тарбия усуллари ва воситаларини қўллаш тизимини яратиш — маънавий тарбия, ижтимоий онг, ахлоқ, ҳис-туйғу, хулқ-атвор, ҳуқуқий ва меҳнат маданияти каби сифатларни изчил шакллантиришдир. Маънавий тарбия самарадорлиги ана шу тизимнинг педагогик тамойилларига амал қилинишига боғлиқ. Маънавий онг, тушунча, ҳис-туйғуни таркиб топтирмасдан эътиқод, маънавий маданияти шакллантириб бўлмайди.

Маънавий тарбия ўз-ўзини тарбиялаш ва маърифатнинг бирлиги эканлигини таъкидладик. Маълум мақсадга қаратилган изчил маънавий-маърифий тарбия бўлмаса, шахс камолотида юксак натижага эришилмаганидек, киши ўз-ўзини тарбиялаш учун ҳаракат қилмаса маънавият-маърифат ишлари самарасиз бўлади. Бу серқирра, мураккаб жараён бўлиб, унда ҳар бир шахс ўз-ўзини тарбиялаши, мустақил билим олиши муҳим ўрин тутади.

Маънавият-маърифат тарбияси борасида кенг қўламда олиб бориладиган ишлар, албатта, қувонарли. Аммо ҳар бир кишининг ўзлигини билиши, ўз маънавий маданиятини оширишини мувофиқлаштириш тизими ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир шахсда маънавият-маърифат мотивини таркиб топтириш, унинг соғлом турмуш ва фаровонлик омили эканлигини сингдириш, илмий асосини ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Қолаверса, маънавий камолот учун шароит яратиш, маърифат воситаларини арзонлаштириш масаласини ҳам ҳал қилмоқ зарур.

Абдишукур ЧОРИЕВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

САХОВАТПЕША ФЕРМЕР

Тадбиркор одамни фазилатли саналади. Агар ўша одам саховатли ҳам бўлса-чи? Унда бундай кишиларни қўш фазилат соҳиблари деймизми?

Шурчи туманида яшовчи фермер Пўлат Мавлоновни ҳам ана шундай инсонлардан бири десак янглишмаймиз. У киши 10-ўрта мактабга таъмир ишлари учун 10 минг сўм пул, 20 кг. дан ортиқ турли рангдаги буёқлар билан ёрдам қилди, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш учун эса 2 минг сўм пул ажратди.

Келгусидаги ниятлар ҳам чакки эмас. Мактаб таъмири учун яна 30 минг сўм пул ёрдам қилмоқчи, шунингдек, энг аълочи ўқувчилардан 10 нафарига 300 сўмдан стипендия тайинламоқчи.

С.БОБОХОНОВ.

САДОҚАТГА ЧОРЛАГАН УСТОЗ

Ўқувчилик давримдан хотира бўлиб қолган бир воқеани ҳамон эслайман:

Қиш фасли эди. 9-синфда адабиёт фанидан олимпиада ўтказилаётганди. Мактаб олимпиадаси якунида адабиёт фанидан қатнашаётган икки дугона — мен ва Сайёра Камолованинг тўплаган балларимиз тенг бўлиб қолди. Шунда адабиёт ўқитувчимиз, устозимиз Маъруфжон ака Дармонов: «Иккала ўқувчим ҳам олимпиадада қатнашади. Мен ўзим жавоб бераман. Булар менинг фарзандимдек бўлиб қолган. Қайси бирларини кўнглини оғритиб, олимпиададан қолдиришим керак?! Тумандаги ҳакамлар ўзлари синовдан ўтказсинлар. Шундагина масала ойдинроқ бўлади», — дея жавоб қилганлар. Баҳсли, ўта қизиқарли туман олимпиадаси ҳам ниҳоясига етиб, устозимиздан олган сабоқларимизни кўрсатиб, тенгдошларимизга намуна бўла олдик. Маъруфжон аканинг чин юракдан: «Баракалла, она қизларим»,— деган сўзлари кўнглимизни тоғдек кўтариб юборганди ўшанда.

Устозни танибманки, улар тўғрисида доимо илиқ сўзлар эшитамиз. Маъруфжон ака Дармонов 17 йилдан бери И. Юсупов номли 5-мактабда дарс берадилар. Элда эъзоз топган бу ўқитувчимизнинг туман халқ таълими бўлимидаги «Фидойи устоз» ҳурмат тахтасидан бир неча йилдирки суратлари тушмаслиги, туман олимпиадасида ҳайъат аъзоси эканлиги биз шогирдларини ҳамиша фахр нурига кўмиб юради.

Устознинг қулоғим остида жаранглаб турувчи ибратомуз сўзларини доимо эслайман: «Шеърият — беғаразлар, беғуборлар майдони. Ўша майдонга ярашиқлик ижодкор бўлгин. Рост сўздан қайтмагин, ёлғон сўзни айтмагин». Бугун эса ўша беғуборлар майдонидан туриб, сабоқларингиздан фикрим теранлашиб, сизга, барча касбдошларингизга — муаллимлик касбини ардоқлаб, келажак эгалари бўлмиш ёшларни зиё нуридан баҳраманд этаётган устозларга тани-соғлик, эзгу ишларида куч-қувват тилайман!

Нилуфар ДАВИДОВА.

Izlanish, natija

БИЛИМ ЮРТИ ҚАЧОН ТАШКИЛ ТОПГАН?

Шоирлар ва фозиллар шаҳри қўҳна ва навқирон Ҳўқанди латиф азалдан она-Туркистоннинг илм-маърифат марказларидан бири сифатида машҳур. Асримиз бошларида (1918 йилгача) бу ерда 60 га яқин мадраса, 20 дан ортиқ жадид мактаби, 400 дан ортиқ эски усул ҳамда «отин ойилар» мактаблари фаолият кўрсатган бўлиб, уларда минглаб ёшлар илм урганганлар. Бутун туркий оламга эзгу ишлари билан танилган олимлар ва фозиллар, фидойи маърифатпарвар муаллимлар, оташзабон шоир ва шоиралар ёш авлодга таълим-тарбия берганлар.

Бугунги кунда ҳам шаҳарда толиби илмларга илм-маърифат тарқатишда намуна бўларли ўқув даргоҳлари кўп. Улардан бири Ашурали Зоҳирий номидаги педагогика билим юртидир. Республикамиздаги энг «кекса» маърифат масканларидан бўлмиш бу қутлуғ илм даргоҳининг тарихи, ажойиб анъаналари, оламга машҳур шогирдлари ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. 1995 йилда билим юрти ўзининг 75 йиллигини катта тантаналар билан нишонлади.

Юбилей кунлари мазкур илм масканининг асосчиларидан бири — қўқонлик машҳур олим ва адиб Ашурали Зоҳирийнинг «Фарғона музофот ўзбек билим юртининг тарихи» (Фарғона» газетаси, 1924 йил 26 май, 173-сон) мақоласи қўлимизга тушиб қолди. Ушбу мақола билим юртининг илк битирувчилари — «13 қалдирғоч»ларнинг ўқишни тугатиб, ҳаётга йўлланма олишлари муносабати билан «Фарғона» газетаси уюштирган қўш саҳифанинг ичида эълон қилинган. Унда билим юртининг тарихи неча йиллардан буён нишонлаб келаётганимиз 1920 йилдан эмас, балки 1917 йилдан бошлангани ёзилган. Муаллифнинг ёзишича, 1917 йилнинг сентябрида Қўқон маорифпарварлари томонидан ташкил этилган «Таъмими маориф» жаъмияти «чин-ҳақиқий муаллимлар етишдирмоқ учун» «дорулмуаллимин» очди. Бу дорулмуаллимин эса 1921-1922 ўқув йилида таълим-тарбия техникумига айлантирилди.

Ушбу маълумотларга дуч келганимиздан сўнг 1917 йилда чоп этилган газета ва журналларни ўрганишга киришдик. Чунки уларда, албатта, Қўқон дорулмуаллимини ҳақида бирор маълумот бўлиши керак эди. Изланишлар бошланди. Натижада, биз кутган далиллар ва ҳужжатлар қўлга киритилди. Масаланинг тарихи эса бундай экан:

Маълумки, асримиз бошларида Туркистонда жадид (янги усул) мактабларининг сони йил сайин кўпайиб бораётган эди. Айниқса, 1917 йилга келиб бу мактабларнинг таълим тизимидаги афзаллиги барча зиёлилар — диний ва дунёвий олимлар томонидан тан олинган. Бироқ бу мактаблар фаолиятида айрим камчиликлар ҳам бўлган. Улардан энг каттаси жадид муаллимларга тегишли бўлиб, бу зоти киромларнинг илмий-педагогик савияси ҳар хил даражада эди, яъни ҳар ким ўз билганича, ўз иқтидорига қараб болаларни ўқитаверган. Бу мактабларнинг «Устоди аввал», «Муаллими соний»дан бўлак умумий дарсликлари ҳам йўқ эди. Тўғри, илғор муаллимлар ўзлари дарсликлар ёзиб, яхши мактаблар ташкил этиб, омма орасида обру-эътибор орттирган эдилар. Улканинг илғор зиёлилари «жадид мактаблари учун муаллимлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш керак» деган қарорга келган эдилар. Бундай фикр эгаларининг орасида қўқонлик фозиллар пешқадамлик қилдилар. Бу ҳақда 1917 йилда Қўқонда чоп этилган «Ҳуррият» журналининг 4-сонида босилган Ҳамзанинг «Энг қадрли меҳмон» мақоласида илк бор сўз юритилган. (Бу мақола Ҳ. Ҳ. Ниёзий «Тўла асарлар тўплами»нинг IV жилдида ҳам бор). Унда ёзилишича, 1335 ҳижрий ражаб ойининг 23-куни (1917 милодий 15 май) қозонлик машҳур олим ҳазрат Олимжон Борудий Қўқонга ташриф буюрган. Унлаб машҳур рисолалар муаллифи бўлган бу зот Қўқон зиёлилари томонидан қизғин кутиб олинган. Ҳазрат Борудий иштирокида катта илмий-маърифий анжуманлар уюштирилиб, уларда шаҳарнинг уламою фузалоси қатнашган. Биринчи мажлисдаёқ усули жадид мактаблари масаласи ҳам кўтарилган. Шунда Қўқондаги Жомеъ мадрасасининг бош мударриси Тўрахон Махдум домулло сўз олиб, шаҳар уламоларининг жадид мактабларига ҳеч монийъ бўлмаганлари, чунки унда шариатга хилоф нарсани кўрмаганликларини билдиради. Бироқ, домулонинг айтишича, жадид муаллимларнинг ичида «усули таълим ва тадрисдан камчиликларга кўмулгонлари ва балки, бутун, деярлик бехабарлари ҳам» бор. Шунинг учун муаллимлар масаласини ўрганиш ва ишни яхшилаш чораларини ўйлаш пайти келди, деб ҳисоблайди у.

Шундан сўнг сўз олган Олимжон ҳазрат Борудий жадид мактаблари учун муаллимлар тайёрлаш ишини бир маромга солиш учун «тезлик ила вақтинча кичикроқ бир «дорулмуаллимин» очмақни» таклиф қилади. Бу таклифни мажлис иштирокчиларидан кўплари қизғин кутиб олиб, уни ёқлаб гапирадилар. Борудий ҳазрат таклифини қўллаб-қувватлаганлар орасида Мадалихон мадрасасининг мударрисларидан қозиюл-қуззот Махдум домулло, мулло Файзуллоҳ охунд, «Мадрасаи Олий» мударриси мулло Зоҳиджон, рус-тузем мактаби мудири Серкабой Оқоевлар бор эдилар.

Эртаси куни Миробидбой боғида бўлган суҳбат чоғида ҳам «дорулмуаллимин» ташкил этиш тўғрисида маслаҳат давом этади.

Шундан сўнг «дорулмуаллимин» очиш тўғрисида ҳаракат бошланади. Қўқонлик маорифпарварлар 1917 йил ёзида «Таъмими маориф» («Маориф тарқатиш») жамиятини ташкил этадилар. Дорулмуаллимин очиш иши билан ушбу жамият шуғулланади. Биз ҳозирча бу жамиятнинг асосчилари ва раҳбарлари ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Борудий ҳазратнинг мазкур жамиятга ёзган бир мактуби ҳозир Қўқондаги Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт музейида сақланади. 1918 йил сентябрида Уфадан ёзилган бу мактубда ҳам дорулмуаллимин ҳақида сўз бор. 1917-1918 йилларда Қўқонда нашр қилинган «Эл байроғи» газетасида эълон қилинган «Ҳўқанд ҳабарлари», «Ҳўқандда биринчи дорулмуаллимин ва ҳам таълим ва тарбия курслари очилди» мақолаларида, Тошкентда чиққан «Улуғ Туркистон» газетасидаги «Ҳўқанд дорулмуаллимини» ҳамда Ашурали Зоҳирийнинг юқорида зикр этилган мақоласида «Таъмими маориф» жамиятининг «дорулмуаллимин» таъсисчиси экани айтилган.

«Ҳўқанд ҳабарлари» мақоласи («Эл байроғи», 1917 йил 8 сентябрь)да дорулмуаллимин очиш учун махсус жой ҳозирланиб, барча зарурий ашёлар тахт қилиб қўйилгани, чақирилган муаллим келиши билан у расмий суратда очилиши ҳақида ёзилган.

«Ҳўқандда биринчи дорулмуаллимин ва ҳам таълим ва тарбия курслари очилди» мақоласи («Эл байроғи», 1917 йил 21 ноябрь)да эса дорулмуаллимин очилгани, унда ҳозир бир таҳзирий (тайёрлов) ва бир асосий синф, 6 ойлик таълим ва тарбия курси ҳамда намуна мактабида машғулотлар кетаётгани ҳақида хабар берилади. Мақоладан маълум бўлишича, дорулмуаллиминнинг асосий синфида, яъни муаллимлар тайёрловчи гуруҳда ўқиш 5 йилга мўлжалланган, илм масканида талабаларга она тили ва адабиёти, араб тили ва дин дарслари, тарбия ва таълим (педагогика), дарс ўқитиш усуллари, риёзиёт, табииёт, жўғроф тарқатиш») жамиятини ташкил этадилар. Дорулмуаллимин очиш иши билан ушбу жамият шуғулланади. Биз ҳозирча бу жамиятнинг олиб борилган. Талабалар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Атроф шаҳар ва қишлоқлардан келган талабалар ётоқхонада турганлар. Барча талабаларга озиқ-овқат қўмитасидан нон, чой, қанд, ёғ учун карточкалар олиб берилган.

Ашурали Зоҳирийнинг билим юрти тарихига бағишланган мақоласида ёзилишича, дорулмуаллимин Қўқоннинг Ёғбозор маҳалласидаги 3-рус-тузем мактаби биносида жойлашган. 4 нафар муаллим — Бўлот Солиев, Абдулла Бегий, Шафеъ Шаҳидуллин, Ҳоди Файзийлар бошқа шаҳарлардан таклиф қилинганлар, қолган ўқитувчилар Қўқондан бўлган.

Талабалар сони ҳақида «Ҳўқанд дорулмуаллимини» («Улуғ Туркистон», 1918 йил 6 апрель) мақоласида шундай дейилади: «Дорулмуаллиминнинг таҳзирий ва бир асосий синфларинда 40 лаб ва икки шўъбадан иборат кечки курсларида 50 лаб ўқувчилар бор эди». Демак, илм даргоҳида дастлабки ойларда 100 га яқин талаба ўқиган.

Дорулмуаллиминнинг тузилиш таркибига назар солсак, унинг ниҳоятда пухта ўйлаб ташкил қилинганига тан бермасдан иложимиз йўқ. Унда тайёрлов гуруҳининг, кечки курслар ва намуна мактабининг бўлиши (бу мактабда талабалар амалиёт ўтишлари керак эди) кўп эзгу ишлардан далолатдир. Афсуски, дорулмуаллиминнинг бу тарздаги ҳаёти узоқ давом этмади. 1918 йил феврали охирларида рўй берган Қўқон фожеаси (большевикларнинг «Туркистон мухторияти»га қарши қонли юриши) кунларида Ёғбозоридаги бошқа бинолар қатори дорулмуаллимин биноси ҳам ёниб кетди. Ўқишлар тўхтаб қолди. Айрим талабалар уйларига кетиб қолдилар. Бироқ дорулмуаллимин раҳбарлари ҳар қандай шароитда ҳам ўқишни давом эттиришга аҳд қиладилар. Бундан хабар топган Шўро ҳукуматининг шаҳардаги идораси дорулмуаллиминни ўз қарамоғига олишга муваффақ бўлади ва унга Қаландархонадаги бир бинони вақтинча беради. Март охирларида ўқиш қайта давом этади.

Шу тариқа Қўқон дорулмуаллимини 1918-1921 йилларда фаолият кўрсатди. Юқорида айтганимиздек, 1921-1922 ўқув йилида унинг номи ўзгартирилди, яъни «Таълим-тарбия техникуми» деган ном олди. 1924 йилда эса «13 қалдирғоч» маориф осмонига парвоз қилди. Бироқ бу талабалар орасида 1917 йил кузида ўқишга кирганлардан бирор киши йўқ эди. Ашурали Зоҳирийнинг ёзишича, 1919-1920 ўқув йилида Туркистон АССР Маориф нозири Содиқ Абдусатторовнинг қаттиқ талаби билан Қўқон дорулмуаллимининг етакчи муаллимлари (бошқа шаҳарлардан келганлар) Тошкентга чақириб олинади. Натижада, вақтинча илм масканида ўқитувчилар етишмайди. «Бу аҳволни кўруб, дорулмуаллимин очилгондан берли ўқуб келган анча рашид, муқтадир талабалар ҳам Тошкандга қораб кетдилар. Бу кетишлар дорулмуаллиминнинг келгуси (истиқболи) учун ҳийлагина сакта бўлуб тушди. Чунки 1920-1921 ўқуш йилида тамом қилиб чиқишка етишкан талабалар кетиб қолдилар. Энди муаллим топилгонда ҳам ишни яна аввалдан бошлашга тўғри келди», — деб ёзган эди Ашурали Зоҳирий.

Хуллас, Қўқон педагогика билим юрти 1920 йилда Шўролар ҳукумати ташаббуси билан эмас, 1917 йил сентябрида, яъни Октябрь тўнтаришидан аввалроқ шаҳар зиёлиларининг «Таъмими маориф» жамияти томонидан, бутун Туркистон маорифпарварларининг қўллаб-қувватлаши туфайли ташкил этилган экан. Билим юрти тарихи ушбу санадан бошланса, тарихий ҳақиқатга мос келган бўлур эди.

Саломатхон АБДУЛЛАЕВА,
билим юрти директори.
Аҳмаджон МАДАМИНОВ,
филология фанлари номзоди.
Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
филология фанлари номзоди.

O'lkamizni o'rganamiz

ПОПДАН ЧОДАККА

Поп тумани—Наманган вилоятининг қўҳна ва навқирон жойи. Тарихий маълумотларга қараганда, ўтмишда Ҳўжакентдан — Косонсойгача Ахсикент, Самгар, Ҳожистон, Турмикан (ҳозирги Тунган), Поп (Боб) каби йирик шаҳарлар бўлган. Бу фикрларни араб сайёҳлари ва шарқшунос олим В.В.Бартольд асарида кўриш мумкин. Поп ёки Боб IX-X асрларда ҳам Буюк Ипак йўлига кирган. Дарвоқе, 1987-89 йилларда Попнинг Мунчоқтепа мавзесидан топилган ашёлар жаҳоншумул тарихий, археологик аҳамият касб этди. Шу сабабли Мунчоқтепа «Буюк Ипак йўли» халқаро экспедицияси харитасидан муносиб жой олди. Шу хусусда ижодкор ўқитувчи Дониёр Мавжутовнинг «Поп тумани географияси» номли китоби ва туман ҳокими Эркиной опа Жўнашева, журналист Шуҳрат Иномовларнинг саъй-ҳаракатлари билан чоп этилган «Попим — саховатли юртим», яна Салимхон Назирийнинг «Гулистон қушиқлари» шеърий тўпламлари айни муддао бўлди. Попда Чодак қишлоғи бор. Тоғлардан, Сангсулоқ ва Қандиғон сойларидан мавжланиб оқаётган оби-ҳаёт Чодак сойини ташкил қилади. Чодак сойи келиб Сирдарёга қуйилади ва йўл-йўлакай Дуоб, Гулистон, Олтинкон шаҳарчаси, Чодак, Хонобод, Ғолиблар каби қишлоқлардаги аҳолини оби-ҳаёт билан таъминлайди. Чодакка кираверишда азиз, табаррук ва қадамжо бўлиб қолган жойлар мавжуд. Бўсмат бобо, Чорсавойзинбобо, Шайхизиндалибобо, Исмоилбобо, Бобои Юсуф Ҳамаданий (Хожа Аҳмад Яссавийнинг устозлари) қадамжолари доимо гавжум. Республикамиздаги тарихий, қадимий жойларни кўриш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармасининг ёрдами билан 1996 йил март ойининг таътил кунларида қўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўқувчилар билан саёҳатда бўлдик. Унутилмас таассурот билан қайтдик. Баҳоуддин Нақшбандий бобомизнинг зиёратгоҳларида бўлганимизда, ўша жойлардаги кишилар Чодак ҳақида билганларини ҳикоя қилиб беришганда, биз хурсанд бўлдик.

Ўқувчи-ёшларимизга ўзимиз яшаб турган жойимизнинг тарихини сўзлаш, ҳикоя қилиш ҳам савобдир, деб ўйлайман.

Демак, Чодак қишлоғи ҳам қадимий тарихга эга. Мисол учун: оловга талпиниб яшовчиларнинг жойлари бор. Чодак номи — Чод — бурилиш, қайрилиш, яъни йўл ажралиши дегани бўлса, ак — кичик деганидир. Бошқа фикрда жой таг, яъни паст жойда деганини биллдиради. Яъни «Ипак йўли»нинг бир шохобчаси Чодак қишлоғидан ўтмасдан Пунган, Ҳўжанд ва Поп томонларга кетган. Поп арабларнинг фикрича, Боб —дарвоза дегани экан. Бизга яқин бўлган Қамчик довонидан ўтишда йўл-йўлакай Резаксой, Оқтепа қишлоқлари бўлиб, жумладан, Оқтепада ҳам кон қазиш ишлари олиб борилган. Ёки 1,5 гектар жойда сақланган қабристонлар илгари аҳолининг зич яшаганларидан далолат беради. Чодакда Саид Жалол Ҳўжа мингбоши ўтганлар. Ул зот 23 устунли Чодак мадрасасини қурдирган экан. Ўша даврларда ўғри чиқмаган, ҳайит кунлари камбағал одамларни кийинтирганлар. Буни халқ яхши эслайди. Юқорига чиқсангиз «Гулистон» қишлоғи бўлиб, «Пошшохўжа» мозори сақланган. Қишлоқнинг табиати соф, салқин, мевали-манзарали дарахтларга бой, тоғларида мевали буталар, гиёҳлар, дарахтлар, айниқса, фойдали гиёҳларга бойдир. Тоғларида турли ҳайвонлар, боғларида сайроқи қушлар сероб.

Менинг дарсларим тарихий жойларга саёҳатлар усулида ҳам бўлади. Она-Ватанни севиш ҳам маънавият. Дарснинг ғояси ана шу туйғу билан суғорилса, ўқувчи-ёшларимизнинг қалби Ватанга муҳаббат ҳисси билан гупуриб туради.

Мирҳабибулло ИНОЯТОВ,
халқ таълими аълочиси.

Маълумингизки, 22 май куни пойтахтимизда XII Тошкент Халқаро кинофестивали бошланади. Ушбу кинофестивалга дунёнинг 32 мамлакатидан ва 8 та халқаро ташкилотдан кино усталари, санъат ва маданият арбоблари ташриф буюришади.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройи, «Ватан», «Гагарин», «Дўстлик», «Қозоғистон» ва «Нукус» кинотеатрлари кинофестивални ўтказишга шай. Меҳмонларни ўзгача тароват билан кутишяпти.

Бу анжуманни ўтказишга тайёргарликнинг анча барвақт бошланганлиги, Тошкент шаҳрининг байрамона безатилиши ҳам «XX аср мўъжизаси» бўлган кино одамларнинг энг севимли санъат турига айланганлигидан далолат бериб турибди. Шу билан бирга диёримизда ўтказилаётган бу анжуман турли халқлар маданияти, санъати ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг ҳам ўзига хос намунасидир.

Р. ГАЛИЕВ
олган суратлар.

«Ma'rifat» qo'shiqlar ko'rik-tanlovi

Ўзбекистон Қўшиқ байрамини янада оммавийлаштириш ҳамда унда таълим-тарбия муассасаларининг ҳаваскор шоирлари ва мусиқачиларининг иштирокини таъминлаш мақсадида «Маърифат» газетаси ҳам ўз танловини (1997 йил 29 январь сонида) эълон қилган эди. Унга жуда кўплаб қўшиқлар матни ва нотаси келди. Мутахассислар ҳамда таҳририят ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан қуйидагилар ғолиб деб топилди:

1-ўрин — «Муаллим ҳақида қўшиқ» Х. Амирқулов мусиқаси, Баҳром Маҳмуд шеъри (1997 йил 5 март) — 5 минг сўм.

2-ўрин — «Ёш темурийлар марши» Т. Дадажонов шеъри ва мусиқаси (1997 йил 29 март) — 3 минг сўм.

3-ўрин — «Ўзбегим» Наргиза Бегимқулова (ўқувчи) шеъри, М. Наимов мусиқаси (1997 йил 12 февраль) — 2 минг сўм.

Ғолибларни муборакбод этамиз!

Xullas...

ОДАМ ЗАҲРИДАН САҚЛАНИНГ!

Кашмирлик машҳур овчи Янахса Чучиба қуюқ чангалзорларнинг бирида ҳолдан тойиб уйқуга кетди. Овчиси тушмагур бемалол хуррак отаётган бир пайтда унинг ланг очиқ оғзидан кўлвор илон чақиб олди ва... шу лаҳзадаёқ тўлғониб-тўлғониб улиб қолди! Бу воқеани эшитган Янахсанинг ҳамқишлоқлари қаттиқ ҳайратга тушди, бироқ махсус мутахассис олимлар эса енгилгина кулиб қўйишди. Ахир, одам организмида ута кучли заҳарли моддалар борлиги фанга аллақачон маълум эди-да! Бу заҳарли моддалар одам қаттиқ уйқуга кетганда кўп ҳолларда унинг оғиз бўшлиғига йиғилар, бундай кезлар одамзод ҳар қандай заҳарли жонзотдан ҳам заҳарли бўлиб кетар экан... (Одамлар, одам заҳридан сақланинг!)

КУЁВ УЧУН СИНОВ

Куёвларни синаб кўриш бизнинг халқимизда ҳам қадимда яхшигина урф-одатга айланган. Ишонмасангиз, ёши улуғ отахонлардан сўраб кўринг. Мабодо хотиралари панд бермаса, қандай қилиб ўтин ёрганини, сув ташиганини, наввос йиқитганини ўзидан пичапича қўшиб мароқ билан айтиб беришади.

Буни қарангки, Африканинг Банга деган қабиласида ҳам куёвларни синаб кўриш одати бор экан. Бу одатга кўра, келин тўй олдидан, куёвнинг нечоғлик жасоратли, чидамли эканлигини билиш учун ёниб турган машъалани чимилдиққа даъвогар шўрликнинг кўкрагига тутади. Агар йигит чинқириб юборса ё орқага тисарилса тўйдан умидини узади.

ТЕЛЕФОНЛАР ТЎҒРИСИДА ТЎРТ ОҒИЗ...

Одамзод томонидан ўйлаб топилган мислсиз мўъжизалардан бири, шубҳасиз телефондир.

1989 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга кўра, дунёдаги энг «телефонбоз» халқ амриқоликлар ҳисобланади. Дунёдаги энг кўп уйига телефон ўтказган аҳолига эга шаҳар эса Токио экан. Энг улкан телефон аппарати бундан роппароса ун йил илгари Голландиянинг Апелдорн шаҳрида фестивал чоғи намойиш этилган бўлиб, унинг баландлиги 2,74, узунлиги 6,06 метрга, оғирлиги эса... 3,5 тоннага тенг бўлган! Айтишларига қараганда эски шўролар империясининг машҳур арбобларидан бири бу антиқа телефонни сотиб олишга интик бўлган, бироқ муроду мақсадига етолмай қазо қилган...

ana shunaqa gaplar

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 17 май сонида босилган «Мозийнинг холис талқини» мақоласининг учинчи устун, 29-қаторидаги «соддалаштиришдан» сўзи «сохталаштиришдан» деб тузатиб ўқилсин.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Нарпайда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Эгамберди Маҳманов хотирасига бағишланган футбол бўйича хотира турнири бўлиб ўтди.

Тумандаги энг яхши жиҳозланган ўйингоҳлардан бири — 52-ўрта мактаб футбол майдонида ўтган бу мусобақада унга яқин мактаб футбол жамоалари иштирок этди. Фахрли биринчи ўрин 23-ўрта мактаб, иккинчи ўрин 16-мактаб футбол жамоаларига, учинчи ўрин эса майдон эгаларига насиб этди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

З. ТОШХЎЖАЕВ.

Sport maydonchasi

ДАРВОЗАБОН ҚАТНАШМАГАН ЎЙИН

Собиқ СССР кубогининг «Динамо» (Москва) — ЦСКА учрашувида қизиқ воқеа содир бўлганди. Биринчи таймнинг охирларида учрашув ҳаками Н. Латишев динамочилар дарвозабони Лев Яшинни майдондан чиқариб юборади. Бу вақтда динамочилар 2:1 ҳисобида олдинда боришаётганди. Яшин майдондан чиқиб кетгач, унинг ўрнини ҳимоячи Е. Бойков эгаллади. Армиячилар қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисоб учрашув охиригача ўзгармай қолди.

ЛЕВ ЯШИННИНГ САХОВАТИ

1958 йилда «Динамо» (Москва) жамоаси Жанубий Америка сафарида бўлганди. Ўшанда Бразилия телевидениеси Лев Яшинни ҳақиқий дарвозалар ўрнатилган студияга таклиф қилган. «Ойнаи жаҳон» ходимлари Лев Яшин ва Бразилиянинг кучли футболчилари ўртасида ўзига хос мусобақа ташкил этганди. Л. Яшин дарвозага тепилган уч тўпни ҳам қайтаришга муваффақ бўлади. Унга икки ярим минг кузерони беришаётганда у мукофотни олишдан воз кечган ҳамда ушбу пулларни бразилиялик етим болаларга тарқатиплариии сўраган.

МҲСКНИНГ 9 ҒАЛАБАСИ

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг тўққизинчи тур ўйинлари якунланди. Бу сафар ҳам армиячилар ишқибозларни қувонтиришди. Улар ўз майдонларида «Сўғдиёна» жамоаси дарвозасига 3 тўп киритиш билан ғалаба қозониб (3:1), 27 та очко билан ҳозирча ягона пешқадам бўлиб олишди. Қолган ўйинлар қуйидагича якун топди: «Косонсой» — «Янгиер» — 0:1, «Атласчи» - «Чилонзор» — 2:1, «Хоразм» — «Андижон» — 2:0, «Трактор» — «Афросиёб» — 2:0, «Насаф» — «Сурхон» — 4:1, «Зарафшон» — «Пахтакор» — 2:5, «Дўстлик» — «Навбаҳор» — 3:2, «Бухоро» — «Нефтчи» — 0:2.

ТАХТА УСТИДАГИ «ЖАНГ»ЛАР

Яқинда шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Биринчиликда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган ёш шахматчилар куч синашдилар. Қизғин баҳслардан сўнг «Тахиатош шаҳридаги 3-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Азамат Давронбетов ўсмирлар орасида Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Энди Азамат шу йил 28 октябрда Франциянинг Кани шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

САФАРДА ЗАФАР

Мамлакатимиз боксчилари Иркутскда ниҳоясига етган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, жами тўртта олтин, битта кумуш медалларни қўлга киритишди. Чунончи Алишер Раҳимов, Темур Ибрагимов, Фарҳод Бакиров, Ян Кульковлар биттадан олтин медалли бўлишди. Тошкент вилояти спортчиси Қайрат Бейсекулов кумуш медаль совриндори бўлди.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил июнь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади

1. Олий ва 1-тоифали мусиқа ўқитувчилари	Узб.	2-14
2. Т(Ш)ХТБ назоратчи-методистлари (Қашқадарё в.да)		9-28
3. Табиат интегратив фанини ўқитиш бўйича курси муаллифлик (П.Ғуломов)	Узб.	2-14
4. Кимё фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш	Узб.	2-28
5. ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш: инглиз тили ўқитувчилари учун	Узб.	2-14
6. Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувидан муаллифлик курси	Узб.	2-28
7. Туман (шаҳар) ХТБнинг расм-чизмачилик методистлари	Узб.	16-28
8. Биология дарсларини янги педагогик технология асосида ўқитиш	Узб.	2-28
9. Умумтаълим мактабларининг логопед ўқитувчилари	Узб.	2-28
10. Туман (шаҳар) ХТБнинг методист-назоратчилари	Узб.	2-28
11. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари	Узб.	2-28
12. Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш бўйича	Узб.	2-14
13. Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази (БУИМ) методистлари	Узб.	2-28
14. Тарих ўқитувчилари учун янги дастур ва дарсликлар асосида—мақсадли курс	Узб.	16-28.
15. Таълимда бизнес: «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» ўқитувчилари учун курс	Узб.	2-14
16. УИЧК директорлари (МУПКА директорлари)	Узб.	2-14
17. Янги дарсликлар ва дастурлар бўйича ўқитиш (махсус, ёрдамчи мактабнинг барча турлари) бошланғич синф ўқитувчилари учун курс	Узб.	2-21

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар, йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-5 июнь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси . Телефон: 46-06-62, 46-06-67

ЗАЙНАБНИНГ ШЕЪРИ

Кумушга ачинманг, асло дўстларим,
Кумуш бу Отабек кўзидаги шам,
Ул шамдан қоронғу тортиб кўзларим,
Йўлимни йўқотиб қўйдим-ку бирдам.

Кумушга ачинманг, дўстларим асло,
Кумуш бу Отабек қалбидаги чўғ.
Ул чўғдан изларим ёнгайдир ҳатто,
Олов кўрмадим мен ул чўғдан улуғ.

Кумушга ачинманг дўстларим, асло,
Кумуш бу Отабек яшнаган чаман.
Ул чаман қошида мен тамом адо,
Илдизларим қадар қувраб яшайман.

Мен эсам, муҳаббат мулкидан жудо,
Сохта такаллуфдан толиққан жонман.
Бўғзимда айтилмай қолган бир видо,
Ниятлари сабил, умри нолонман.

Булоқман, кўзимдан тошавераман,
Қарғишлардан ўтиб, ситамлар аро,
Телбавор, гарангсиб яшайвераман,
Сиз бечора Зайнаб демагунча то.

Матлуба ҒОФУРОВА,
Бахмал туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси.

АЛПОМИШИМ, ҚАЧОН ҚАЙТАРСАН?

Барчиннинг дегани:
Сен кетдингу, Бойсун элинда —
Кўзларим тўрт қолди йўлингда.
Алпим, қадринг ўтди-билинди,
Алпомишим, қачон қайтарсан?
Қайтсанг бизга нелар айтарсан?

Бойсун тоғнинг қадди букилди,
Гуллар хазон бўлиб тўкилди.
Юракка минг достон битилди,
Алпомишим, қачон қайтарсан,
Қайтсанг бизга нелар айтарсан?

Ёки ёвлар тутқун этдими?
Бир жойинга шикаст етдими?
Ғуборларинг тарқаб кетдими?
Алпомишим, қачон қайтарсан?
Қайтсанг бизга нелар айтарсан?

Ҳажринг мени ўртар-тиғлайди,
Ёдгор «ота» дея йиғлайди.
Қунғиротинг қуйиб сўзлайди:
— Алпомишим, қачон қайтарсан?
Қайтсанг бизга нелар айтарсан?

Илҳом РАҲМОНОВ,
Музрабод туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

Ko'ngil bitiklari

ИЛТИЖО

Чулғаниб, тулғаниб тонг отди,
Тонгни кутиб ғунча — ханда отди.
Эй дил! Шодланма! Ул сафар сари,
Оёғингга янги тиконлар ботди.

Ҳар йўлда Узинг бўлгин йўлдошим,
Ҳар ишда Узинг-ку менинг сирдошим.
Сафар қариб Сенинг сўровларингга,
Дўстим, етармикан менинг бардошим.

Эшик оғзидаги ул оқар сувга,
Беш вақт қўл ювсанг қолмас гуноҳинг.
Лек дилни боғламас экансан дилга,
Машҳар кун кўкларни қоплайди оҳинг.

Ражабой УРУНОВА,
Сиёб туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси.

МАШИНА ФИКРЛАЙ ОЛАДИМИ?

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ГАРРИ КАСПАРОВ ВА КОМПЬЮТЕР

Нью-Йорк шаҳрида 11 май куни «Дип-блу» суперкомпьютери ҳамда Гарри Каспаров ўртасида бўлиб ўтган якунловчи 6-партияда жаҳон чемпиони ютқазиб қўйди. «IBM» компанияси «тарбиялаган» «Дип-блу» компьютери оқлар билан ўйнади ва 19-юришдан сўнг коралар таслим бўлди. Компьютер дастурини ишлаб чиққан гроссмейстер ва беш нафар дастурчилар ғолиб сифатида 700 минг доллар, Г. Каспаров эса қолган 400 мингини олди. Ғолиблар Карнеги — Меллон университетидан ҳам жаҳон чемпионини енгган биринчи компьютерни тузганликлари учун 100 минг доллар мукофот олдилар. Г. Каспаров эса матбуот конференциясида компьютер ҳомийларини машинани айнан Каспаровни енгишга мослаштирганликларида айблади. Жаҳон чемпиони «Дип-Блу» билан қайта беллашишга тайёр эканини, фақат кейинги сафар ўйин 8-10 партиядан иборат бўлиб,ўйин шахматчилар ўртасидагидек кун ора ўйналиши лозимлигини шартлари сифатида билдирди. 1-партияда Г. Каспаров ютиб чиқди, иккинчисида енгилди, қолган уч ўйинда дуранг натижага эришди ва охирги ҳал қилувчи партияда эса ютқазиб қўйди. Бир йил аввалги «Дип-Блу 1» компьютерини Г. Каспаров 2:4 ҳисоби билан енгган эди. Бу — шахматчининг инсон ясаган компьютерга илк бор ютқазиб қўйишидир.

«Машина фикрлай оладими?» Бу савол инсонни ЭҲМ пайдо бўлган пайтлардан бери тинмай безовта қилиб келарди. Айнан шахмат сунъий мантиқ тузиш учун энг яхши восита деб қараларди. Ахборот назариясининг асосчиси, америкалик олим Клод Шеннон 50-йиллардаёқ содда шахмат алгоритмини кўрсатиб берган эди: бир неча юриш ўйнаб кўрилади, келиб чиққан вазиятлар таҳлил этилгач, энг яхши вазиятга олиб борувчи юриш танланади. 1,5 тонналик «Дип-Блу 1» эса бир дақиқада миллионга яқин юришни 6-7 юришгача таҳлил эта олади.

Шундай бўлса-да, Гарри Каспаров «Агар ўйин шахматчиларники каби шароитларда ўйналганида, сўзсиз компьютерни ютиб юборардим» деб айтди. Мутахассислар фикрича, яқин йилларда инсон каби режалар тузиб ўйновчи, вақтни тўлиқ ҳисобга олувчи, чалғитувчи юришларни рўёбга чиқара олувчи компьютерлар ясалади, шунинг учун эндиликда инсоннинг инсонлар ичида чемпион, компьютер эса компьютерлар ичида чемпион бўлиши кутилмоқда.

Ойбек ҲАКИМОВ тайёрлади.

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи жонкуярларидан бири, ажойиб инсон Мамат ЛАТИПОВ 85 ёшида вафот этди.

М. Латипов 1930 йилда Зомин туманидаги 1-ўрта мактабда меҳнат фаолиятини бошлади. Сўнгра тумандаги 24, 60, 31-мактабларда ёш авлодга сабоқ берди.

М. Латипов ўзининг узоқ йиллик ва самарали меҳнати билан жуда кўплаб иқтидорли ёшларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди. У ўқитган йигит-қизлар орасидан бугунги кунда машҳур кишилар — фан докторлари, номзодлари, муҳандислар, журналистлар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари етишиб чиқиб, республикамизнинг турли вилоятларида меҳнат қилишмоқда.

Ёшларнинг меҳрибон устози, ўзининг бутун умри ва онгли ҳаётини халқ таълимини ривожлантиришга сарф этган ажойиб инсон, фидойи ўқитувчи Мамат Латиповнинг порлоқ хотираси шогирдлари ва дўстлари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

Оллоҳ раҳмат қилсин!

Бир гуруҳ ўртоқлари.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456